

...КОММУНИЗМ АСРИГА ЙЎЛ ТОПИБ БЕРГАН РУССАН,
ШАРҚЛИМАН, БИР ЎЗБЕКМАН, УЛУҒ ОҒАМ, ОМОН БЎЛ!



БҮТҮН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ. БИРЛАШИНГИЗИ

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ
ВА МЕХНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

16 ЙИЛ ЧИҚИШИ

№ 218 (4209)

4

НОЯБРЬ

СЕШАНБА

1969 ЙИЛ

Баҳоси 2 тийин

**ВЛАДИМИР
ИЛЬИЧ ЛЕНИН
ТУҒИЛГАН
КУНИНГ
100
ЙИЛЛИГИГА**

**«СССР ХАЛҚЛАРИНИНГ
ҚАРДОШЛАРЧА ДЎСТ-
ЛИГИ ВА БУЗИЛМАС
БИРАЛИГИ АБАДИЙ ЯША-
СИН ВА ГУЛАБ-ЯШНАЙ-
ВЕРСИН!»**

КПСС Марказий Комитетининг Октябрь чақи-
риқларидан.

ИЖОДКОР ЗЕХНИМИЗГА ҚАНОТ БЕРГАН ЎЗИНГСАН,
ЯНА ҲАМ БАЛАНДРОҚ УЧ, ЯНА ҲАМ ОСМОН БЎЛ!

Улуғ рус халқи!
Заковатли, истеъдодли ва ақли
расо, буюк халқ! Рус халқи Совет-
лар дивиди яшовчи барча халқ ва
миллатларнинг меҳрибон оғаси,
жонажон биродари ва ҳақиқий
устози. Қардош аҳил оиламизнинг
қарор топишида рус халқининг
етақчилиги роли каттадир. Бу халқ
ўзининг беиҳсо ҳисобларини
ва меҳрибонлиги, теран билимдон-
лиги, ўз биродарларнинг бахт-
саодати учун жон фидо қилишга
тайёр турганлиги билан совет
халқларининг жонажон оғаси бў-
либ қолади.

Рус халқининг инсоният тарак-
қияти тарихида тутган ўрни беқ-
ёсдир. У маданият, солиҳона
жаҳоншумул ғоялар, олижаноб
фахрлар, маънавий бойликлари
кирипти. Истеъдодли халқ дуйда
энг илгор, революцион синф бўлган
рус ишчилар синфини қамолга
етказди.

Революцион Россия
жаҳонга буюк Ленинни берди,
шонли Коммунистик партияни та-
риҳий кураш майдонига олиб чиқ-
ди.

Ажойиб революцион анъаналар-
га эга бўлганлиги, буюк маданият
хазиналарини яратганлиги билан
ҳам биз она Россия кишилари бил-
дан ҳисси равишда фахрланамиз.
У Суворов ва Кутузов сингари бую-
к саркараларини, Ломоносов ва
Попов каби аjoyиб олим-фуззалар-
ларини, Белинский ва Чернышев-
ский каби революцион демократ-
ларини, Пушкин ва Толстой, Чехов
ва Горький каби шоир-адибларини,
Глинка ва Чайковский каби тенг-
сиз бастакорларини еттиштирди.

СССР халқларининг рус халқи
раҳбарлигидаги дўстлиги ва қар-
дошларча ҳамкорлиги ҳаётбахш
кутга эга. Бу мустақкам дўстлик
Ленин даҳосидан нур эмди, мус-
тақкамланди, равнақ топти. Дўст-
лик оиласида ўғинида забун бўл-
ган ўзбек халқи ҳам қамолдотга
эришти. Бунга, биз улуғ Лени-
нинг илҳомбахш ғоялари туйфайли,
Коммунистик партиянинг доно
раҳбарлиги ва ленинча миллий
сиёсатининг изчиллиги билан амалга
оширилганлиги туйфайли эриш-
дик. Ўзбек халқи қўлга киритаёт-
ган ғалабаларда рус халқи ва бош-
қа қардош халқларнинг ҳиссалари
катта. Айниқса, рус меҳнаткаш-
ла-

ри, олимлари, мутахассислари ўз-
бек халқига биродарларча ёрдам
қўрсатиб келмоқдалар. Ўзбек хал-
қи бу дўстлигини энг муқаддас ва
азиз билиб сақлайди, бунга ҳам-
иша содиқ бўлиб қолади.

Рус ва ўзбек халқлари ўртасида-
ги дўстлик ўз тарихига эга. Атоқ-
ли шоиримиз Ғафур Ғулом ёзган-
дек:

Улуғ рус — ўзбекнинг катта
оғаси

Минг йиллик қадрдон қон-қар-
дошимиз.

Қунт билан тарихга қилсак саё-
хат

Бир ўт, бир қозонда пишган
ошимиз.

Ўрта Осиёнинг Россияга қўши-
лиши ўрта Осиё халқлари тақди-
рида катта роль ўйнади. Натигада

қалбиби мунаввар этишда Ленин
декретига асосан йўлланма олган
рус олимларининг қўрсатган жон-
бозликлари таҳсинга сазовордир.

Улар Туркистондаги биринчи до-
рифунунинг дастлабки мураб-
бийлари ва ўқитувчилари бўлган
эдилар.

Ўзбекистондаги халқларнинг
бахтли ҳаёти ва порлоқ келажиги
учун курашиб, азиз ҳаётларини
қурбон этган 14 Туркистон комис-
сари номларини хурмат билан тил-
га оламиз. Жасур рус комиссарла-
ри хотирасини ўзбек халқи бир
умр ёдга сақлайди ва улардан
абадий миннатдор. Улуғ Лениннинг
В. Куйбисhev, М. Фрунзе, М. Ка-
линин каби доворак сафдошлари
Ўзбекистонда Совет ҳокимиятини
ўрнатish ва мустақкамлаш йўлида

катта фаоллик кўрсатдилар.

Улуғ Ватан уруши йилларида
дўстлигимиз, ака-укалигимиз тағин
ҳам мустақкамланди ва санжал
топти. Рус халқининг етакчилиги
роли, унинг гадбиркорлиги ва
сабр-чидамлиги каби олижаноб
фахрларини яна бир бор намоён
бўлди. Уруш йилларида оғарус-
нинг СССР халқларига етакчилик
қилганлигини ҳамма яхши билади.

У бизни зафарлар сари бошлаб
борди ва ғалабаимизни таъминлади.

Тинч ижодий қурилиш йиллари-
да Россия билан Ўзбекистон меҳ-
наткашларининг дўстона алоқала-
ри янада кучайди. Бепоян ўлка-
нинг қудратли саноат маҳсулотла-
ридан ўзбек халқи баҳраманд бўл-
ганидек, серкуёш улканмайдан
Россияга юборилаётган маҳсулот-
лар ва хомашёлар қардошларимиз-
ни хушнуд этмоқда. Ҳар иккала

халқ ўзининг яратувчилиги меҳнати

билан коммунистик мўл-қўлчилик
ишига муносиб ҳисса қўшмоқда.

Совет кишиларининг мустақкам
дўстлиги, айниқса, Тошкентда юз
берган табиий офатдан сўнг яна
бир қарра синовдан ўтди. Қардош-
ларимиз қатори Россия Федера-
циясининг азамат меҳнаткашлари
ҳам ўзбек халқига ана шу оғир
дамларда ҳамдард ва мададкор
бўлдилар. Қўлдан келган барча
ёрдамларини аямасди. Пионер
лагерлари ва санаторийлар тош-
кентлик болалар ихтиёрида бўлди.

Янги Тошкентни бунёд эттидек
улкан ишда Россия бинокорлари
олижаноб ҳиммат кўрсатдилар.
Қардош рус бинокорлари ҳамша-
ҳарларимизга 760 минг квадрат
метрдан зиёд шинам уй-жой қуриб
беришди.

Ўзбек халқининг фан ва мада-
ният чўққиларини ағаллашида
қудратли рус тилининг ғоят зўр
аҳамиятга молик эканлигини ҳаёт
тажрибалари кўрсатди. КПСС
Программасида таъкидланганидек,
социалистик миллатларнинг янада
яқинлашуви ва улар орасида дўст-
лик ва ҳамкорлиги мустақкамлаш
жараёнини кучайтиришда рус тили
алоҳида аҳамиятга эгадир. Рус ти-
ли ўзбек халқининг иккинчи она
тилига айланган.

Яқинда РСФСРда ўтказилган
Ўзбек адабиёти ва санъати декада-
си азаллий ва абадий дўстлигимиз-
нинг яна бир шодлиғисига айлан-
ди. Ўзбек ижодкорлари ҳаммаси
лари ҳузурига ташриф буюриб,
устозларни олдига илтиҳон берди-
лар. Декаданин кўнчалик қисми
улуғ Лениннинг ҳаёти ва фаоли-
ти билан боғланган жойларда ўтқа-
зилганлиги ўзига хос катта аҳ-
мият касб этди.

Ўзбек халқи ўз тақдирини рус
халқининг тақдирини билан абадий
боғлаган. Зотан, саноат ва кишол
ҳўжалиги, фан ва маданият соҳа-
ларида қўлга киритилаётган барча
муваффақиятларимизда улуғ рус
халқининг беғараз ёрдами, улкан
ҳиссаи ва амалий қўмағи бор.

Шу бондан СССР халқларининг
улуғ рус халқига бўлган ишончи
ва меҳр-муҳаббатни чексиздир. Ком-
мунистик партия раҳбарлигида
қардошларча дўстлигимиз мустақ-
камланаверади. Шу бузиламас дўст-
лигимиз — қудратимиз, фахримиз
ва бахтимиздир.



УЛУҒ ДОҲИМИЗ В. И. Ленин Туркистон меҳнаткашлари вакиллари билан учрашиб, самимий суҳ-
батлар қурган эди. Ушбу «Совет Туркистони вакиллари Ленин ҳузуринда» деб номланган картинада
ана шундай учрашулардан бири ўз аксини тошган.

**3 5 6. 0 0 0
ТОННА УЧУН**

ОБЛАСТИМИЗ РАЙОНЛАРИДА ПАХТА ТАНИРЛАШНИНГ
БОРИШИ ТЎҒРИСИДА 3 НОЯБРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

Биринчи стун — районлар, иккинчи стун — бир кунда, учинчи
стун — мавсум бошидан бери, тўртинчи стун — бир кунда машинада
терилгани, бешинчи стун — мавсум бошидан бўён машинада терил-
гани

Оқдўғрон	Янгийўл	Ўрта Чирчиқ	Оржоникидзе	Юқори Чирчиқ	Бекобод	Бўка	Область бўйича:
0.98	1.25	1.07	1.52	1.13	0.94	0.80	1.03
79.89	78.49	64.40	62.01	61.43	53.55	51.93	65.85
0.55	0.69	0.73	0.90	0.54	0.23	0.09	0.45
68.19	46.39	44.59	43.90	59.46	24.96	31.56	45.98

**ЯНГИ СОВХОЗ
ИШЧИЛАРИНИНГ
РАПОРТИ**

Калинин районидаги 2-«На-
зарбек» совхозининг коллекти-
ви ленинча меҳнат ваҳтисиди
туриб ишлаб меҳнатда улкан
ютуқларини қўлга киритмоқда-
лар.

Янги совхоз коллективни даст-
лабки йилнинг ўзидеё катта
ютуқни қўлга киритди. Давлат-
га 3860 тонна савзавот еттишти-
риб, бу соҳадаги план ортинг
билан адо этилди.

Т. Исломов бошлиқ биринчи
ўқим савзавотқорлари салкам
уч минг тоннага яқин маҳсулот
топиштирди. С. Қорабон бош-
лиқ бўлган ишчиларининг топ-
ширган савзавоти эса 1 минг
тоннадан ошиб кетди.



СОВЕТЛАР ОИЛАСИН ҚАЛБИМИЗДА ТАШАККУР,

«Рус тили энг кучли ва энг бой жонли тиллардан биридир».

К. Маркс,
Ф. Энгельс.

«Тургенев, Толстой, Добролюбов, Чернышевский тили—улурф ва қудратли тил».

В. И. Ленин.



М. И. КАЛИНИН ЎЗБЕКИСТОНДА

Бутуниттифоқ оқсоқоли-Михаил Иванович Калинин ўзбек халқининг яқин дўсти ва меҳрибони эди. У она диёримизда бўлганида меҳнаткашлар билан неча-бор учрашган. Ў ўзбек деҳқонлари даврасида ҳам қизғин суҳбат қурган. Бу картинада ана шундай учрашувлардан бири жонли акс эттирилган.

Суратда: асардан репродукция.



КАМОЛИ ХУРМАТ ВА ЭҲТИРОМ

Урта Осиё Давлат университетида ишлаган рус олимларидан мен аиникса В. И. Романовский (математик), Л. Н. Корженевский (географ), Л. В. Ошанин (антрополог)лар билан яқин, дўстона муносабатда бўлган эдим. Бу тасдиқий эмас.

В. И. Романовский менинг бевосита устозим эди. Л. Н. Корженевский билан Фарғонада ўқитиб бўлиб ишлаб юрганимда таъинланган эдим, чунки у ўша вақтда иккинчи босқин рус мактабида ўқитиб бўлиб ишлар эди; Л. В. Ошанин эса В. И. Романовскийнинг яқин дўсти бўлиб, унинг уйи, га кўп келарди. Бу ерда бўладиган учрашувлар тўғрисида, мен бу икки билан ҳам яқин, дўстона муносабатда бўлган эдим.

Бу олимларнинг ҳар бири бутун умрини деярли Ўзбекистонда ўтказган. Уларнинг учаласига ҳам умумий ҳислатлар: ҳушмуомаллик, ростгўйлик ва инсонпарварлик бўлиб, суҳбатда, ишда самимият ва олижаноблик сезилиб турарди. Аиникса, Ўзбекистоннинг табиати ва халқи ҳақида гап борганда, уларни тўхтатиб бўлмас эди. Улар, кўпроқ оддий ўзбек кишиларнинг рус олимлари билан самимий, дўстона муносабати ва ўзбек халқининг меҳмондўстлиги тўғрисида сўзлар эдилар.

Устоз Л. Н. Корженевский хуш-

Т. Н. ҚОРИННЕСИИ,
Ўзбекистон ССР Фаллар
академиясининг академиги,
Социалистик Меҳнат
Қаҳрамони.

калом ва гоёт меҳир нотик эди. У ҳақда ва қандай мавзуда сўзламасин ҳамма вақт аудиторияни ўзига жалб қиларди. У яқин географ ва сайёҳ эди, Туркистонда кўрмаган ва текширмаган жойи кўк, деса бўларди.

Л. В. Ошаниннинг отаси В. Ф. Ошанин кирик зоолог ва сайёҳ бўлиб, Туркистон ўлкасини текширган биринчи рус фан ахллари-дан саналади. Шунинг учун ҳам Л. В. Ошанин билан суҳбат қилганда, отасини кўп эсларди.

Отам Туркистон ўлкасини, аиникса унинг халқини жуда яхши кўрарди,— деди у суҳбатлардан бирида.— Кишлоқма-кишлоқ ва тоғма-тоғ юрар, оддий кишилар билан ҳамсуҳбат бўларди. Шунинг учун ҳам у маҳаллий халқнинг соддалиги, ҳушмуомаллиги, самимий муносабати тўғрисида доим, қандайдир аjoyиб муҳаббат билан сўзлар эди.

—Лев Васильевич, сизнинг фикрингизда, отангизнинг энг муҳим ва катта иши нимадан иборат— деб сўрадик.

— Отам зоолог бўлгани учун,— деди олим,— унинг асосий ишлари ҳам шу соҳага бағишланган. Одатда, у экспедициялардан қайтганда уйлар энтомологик коллекциялар билан тўлиб кетарди. Бу соҳада у кўп янгиликлар кашф этган. 80-йилларда унинг раҳбарлиги остида ташкил қилинган катта экспедиция натижасида Буюк Петр тизма тоғи ва Муксув дарёси бошидаги музлик топилган. Отамнинг тақдифи билан бу музликка А. П. Федченко номи берилган. Менимча, бу нафисёт алоҳида диққатга сазовордир.

Университетдаги устозларим орасида Всеволод Иванович Романовский алоҳида диққатга сазовор. У жаҳон масштабидаги кирик олим бўлиб, Тошкент математика мактабининг таъсис этувчиси ва то умрининг охиригача бу мактабнинг раҳбари бўлди. Республика-миздаги кузга қуриган математикларнинг кўпи, аиникса маҳаллий олимлар у кишининг шогирд-ларидир.

Бу олим, унинг шогирдлари, биринчи набатда Т. А. Сергискожа жуда кўп қизиқарли тадқиқотлар ўтказишди. Ана шу илмий ишлар Иттифоқимизда ҳам, чет элларда ҳам кенг шўхрат топган.

Устоз В. И. Романовскийнинг асосий соҳаси эҳтирослар назар-

рияс билан математик статистика бўлса-да, лекин унинг ижодий фаолияти доираси жуда кенг эди. Математиканинг гоёт муҳим муаммолари устознинг унинг рус, француз, немис ва бошқа тилларда босилиб чиққан тадқиқот ишлари жуда кўп.

Устоз Шарқни, айниқса, Урта Осиёни деярли ҳар жиҳатдан яхши биларди. У кўп тилларни, хусусан француз, немис, инглиз, араб ва форс тилларини яхши биларди. Ҳатто, араб тилида ёзилган машҳур «Минг бир кеча» асарини ўқиб, бир суҳбатда ўзининг мўлоҳазаларини менга айтиб берган эди...

Всеволод Иванович гоёт камтар, ҳатто, айтиш мумкин—камтарлик намунаси эди. Жуда кам гап эди. Унинг билан кўп вақт ҳамсуҳбат бўлиш натижасида менда шундай фикр ҳам туғилиб қолганди: оддий суҳбатда ҳам, бир фикри изҳор қилишдан илгари, ичиде яхшилаб ўйлаб олса керак, чунки бир ёл кишилар сизгари ҳозир жавоб бўлмай, бир жумласи билан иккинчи жумласи орасида қандайдир сукунат сезилиб турарди. Бундан қатъий назар, у деярли ҳамма вақт тафаккурда бўларди. У олижаноб одам эди. Деярли ҳар бир шароитда кучи етгунча оғирлиқни ўз устига оларди. Хуллас, у том маънодаги инсон эди. Мен бу кишини миннатдорчилик билан эслайман.

Номлари юқорида зикр қилинган атоқли рус олимларининг Совет Ўзбекистонини фани тараққиётига қўшган ҳиссалари жуда катта.

РУС ЎРТОҚКА

Расул ҲАМЗАТОВ.

Минг йиллик ўқубат, қулфат ҳақида
Ва ўзим ҳақимда сўзлай ҳикоя.
Уни қалам эмас, жанглар чоғида
Қилич ёганини айтсам, кифоя.
Енаётган уйлар, фарёд, кўз ёшлар,
Қабр тепасида қорайган тошлар,
Ев отин туёғи топтаган дала...
Тарихим варағи шундай дабдала...
Жангчи юрагига қадалган ҳар ўқ
Азичик қисматимдан қилур хабардор.
Отам замонда юрт тингани йўқ,
Менинг даламни ҳам босди араблар.
Ҳали мен бешикда ётган чоғимда
Эрон ҳукмдори сўрди қонимни.
Ўзим қовурилдиму мен ўз ёғимда
Жанг қилдим, йўқотай дегганимни.
Қароқчи туркларни ҳайдовдим энди,
Юртимга инглиз бостириб келди.
Қамал қуршовидан чиқолмадим ҳеч,
Асқотди на чакмон, на шамшир, қилич.
Аммоки, хурлиқни сен бердинг буткул,

Утдан олиб чиқдинг, дединг—қанот
Қоқ.
Сендан миннатдордир ҳар қайси овул,
О, менинг жон дўстим, азиз рус ўртоқ.
Бугун яқинимга йўл олмас душман,
Тоғларимда нафас оламан озод.
Сен мени шунчалик кучли этмишсан,
Рус халқи, сен бердинг шунчалик
нажот.
Жангчи юрагидан сугирдинг ўқни,
Эски яраларга сен қўйдинг малҳам.
Ўзинг бирлаштирдинг жамики халқни,
Бир юлдуз остида сафлар мустаҳкам.
Меҳнатда раҳнамо, жангда нажоткор,
Ҳар ишда ироданг, меҳринг бор
қайноқ.
Шунинг-чун-сен-билан-қилгум
ифтихор.
О, менинг жон дўстим, азиз рус ўртоқ!
Юсуф ШОМАНСУР таржимаси.

ОКТАБР революциясини номли завод шонли анъаналарга бой қорхонадир. Бу ерда кўплаб ишлаб чиқариш ветеранларини учратиш мумкин. Кенс ишчи Ф. Пронин ҳам меҳнатдан баҳт топган рус ишчиларидан бири. У ёш ўзбек ишчиларидан кўплаб муносиб шогирдлар етиштирди. Суратда: ўртоқ Ф. Пронин тажрибали кенс слесарь А. Абдувоҳидов билан суҳбатлашмоқда.



РОССИЯ — ЎЗБЕКИСТОН

Ўзбек шеърятининг даҳоси Алишер Навоийнинг бой ижодиди шарқшунос рус олимларини ҳал қилиб-тириб келди. Ленинградлик олим М. Никитский Навоий ижодини ўрганш билан шуғулланган адабиётшунос рус олимларидан биридир. У 1956 йилда «Низомиддин Мир Алишер» деган темада докторант диссертациясини ёзди.

Ленинградлик шарқшунослардан Ботьердов, Якубовский, Копенков, Воробков, Орбелилар ҳам Навоийшунослик билан шуғулланиб келадилар.

Ўзбекистон ССР Давлат халқ кутубхонаси китоб фойдаланувчиси бўлиб ишлаган маданий ўқоқлари ва илмий муассасалардан турли адабиётлар юборилган. Бир вақтлар Петербург Фаллар Академияси, Харьков университетида олиган китоблар кутубхонанинг нодир адабиётлари бўлиб қолди.

Кутубхона ишлари кенг йўлга қўйишда Туркистон ўлкасидаги илгор рус арбоблари ақли иштирок этдилар. В. В. Бартольд, П. П. Семенов-Тяньшанский, В. Л. Вяткин каби донгдор олимлар, рассом Н. Н. Карамзин, таъкид кутубхоначи-ўлкашунос Н. В. Дингровский ва бошқаларнинг бу соҳадаги хизматлари катта бўлди.

Туркистонда рус маданиятини тарғиб қилишда маърифатпарвар Н. П. Остроумовнинг роли катта бўлган эди. У Урта Осиё халқларининг тарихини, маданиятини текширишда бир қанча ишлар қилди.

Бундан 35 йил муқаддам Тошкент шаҳрида улур рус илмий маданиятини Ўзбекистонда тарғиб қиладиган ягона рус драма театри яна бир катта театр ҳисобига боғланди.

Театрнинг ижодий коллективини тарғиб тоштиришда М. К. Волковский (театрнинг биринчи директори) артистлардан Н. С. Фирсов, Т. А. Загурская, П. С. Давидов каби жонқуярлар ташаббускорлик кўрсатдилар.

ДЕВҚОМАТ, МУРУВВАТЛИ

Дўстлик ва қардошлик янги социалистик тузумга наҳонда биринчи бўлиб одим ташлаган халқларимиз ўртасидаги тарих нўрмаган янгича ўзаро ҳамкорлик ва алоқанинг пойдеворидир. Унга улур доҳий Владимир Ильич Ленин асос солиди, номанон Коммунистик партиямиз уни тарбиялади, ардоқлади. Шунинг учун ҳам ангича маъно ва мазмун насб этган бу дўстлик кундан-кунга қамол топапти, тобора мустаҳкамланиб, янги-янги чўқиларга кўтарилапти.

Халқларимиз дўстлигининг қарвобошиси анди расо, қалби кенг рус халқидир. Шунинг учун ҳам барча халқлар рус халқини натта оғамиз, устозимиз деб атайди. Бу шу меҳнатсевар, талантли халққа, унинг аjoyиб яратувчилик ишларига бўлган меҳр-муҳаббат, ҳурмат тўғрисидаги нақадар чуқур эътиборининг ифодаиладир.

Улур рус халқи бизга берган ердамин ҳар соҳада, эконимикада ҳам, маданиятда ҳам, нундалин турмушимизда ҳам сезиб туришимиз, ундан ҳар даниқда баҳраманд бўлишимиз.

Халқимиз бошига катта қулфат тушганда — Тошкентга табиат ҳуруж қилганда ҳам халқларимиз ўртасида қарор топан, ҳаёт қонунига айлалган ўзаро бегарас ердам нўрсатиш яна бир марта тўлалигича намоён бўлди. Йилла бўлган куннинг эртасига ҳам мамлакатимизнинг барча халқлари Тошкентга ердам беришга шайландилар.

Шу улкан қарвоннинг бошида катта оғамиз — руслар келишди. Москва ва Ленинград, Свердловск ва Пермь, Тула ва Куйбисея биноорлари ўзлари билан бирга қурилиш машина-меҳанизмлари ва материалларини ҳам олиб келишди. Ҳар бир бинонинг миҳидан тортиб то темир-бетон конструкцияларигача ҳаммасини ўз мабғалари ҳисобидан ишлатдилар.

Тошкентни қайта тинлашдек умумхалқ курашида Россия Федерациясининг минглаб биноорлари иштирок эттишди. Энг катта ҳақимдаги уй-йўй, маданият-маиший муассасалар қурилишини шу азаматлар амалга оширдилар. Республикамиз пойтахтида янги қурилган хашамадли, замонавий, нўпазватли иморатларнинг янги қилиқини улар бунёд этишди. Бундан ташқари, бошқа қардош республикалар

дан келган қурувчилар орасида ўнлаб, юзлаб рус халқи фарзандлари бўлиб, улар ҳам эилзла оқибатларини бартафат этишда жонбозлини нўрсатиб ишлашди.

Улур рус халқининг ҳиммати, қардошларча, дўстона кўмаги тўфайли эилзла жароҳатлари қисқа муддатларда бартафат этилди. Россиялик бунёдкорлар қурган уйларда ўн минглаб тошкентлик оилалар истиқомат қилипти, мантабларда фарзандларимиз билим олишлпти, боғча ва исиларда жанони ўғил-қизларимиз тарбияланишлпти.

Қардош республиналар ҳаммаси бўлиб бир миллион юз минг квадрат метр сатҳли уй-йойларни тошкентликларга совға қилишган бўлса, унинг асосий қисми Россия, Москва ва Ленинград қурувчилари томонидан ҳаля этилди. Бу ҳимматини таърифлаш учун сўз тополмайсан, киши.

Пардозлаш ишлари қурилишининг энг машаққатли, нўп меҳнат талаб қиладиган жараёнларидан ҳисобланади. Тошкент қурилишларида илгари бу энг қолоқ участка эди. Оқибатда объектлар қуриш-сиз бўлиб юларди. Қардош рус биноорларининг пардозлашдаги илгор усулларини ўрганиш ва нўлланиш билан бу соҳада анча олдинга силжиш бўлди. Бу мураккаб операция анча ўнғайлашди ва тез бажариладиган бўлди.

Ени яна бир мисол. Москвалик биноорларнинг қурилиш ишларини тармоқ графиги асосида ташкил этишдаги ютуқлари бутун мамлакатимизга маълум. Биз улардан шу прогрессив технологияни ҳам ўргандик. У қурилишларимизга тобора негрор кириб бормоқда. Шу нўнларда эса ўнлаб катта-кичи объектлар шу усулда бунёд этилалпти.

Чин дўст яхши нўнлардагина эмас, бошқа ташвиш тушганда ҳам билинади. Улур рус халқининг нўрсатган катта ердамин учун қўлимизни қўсимизга қўйиб «Раҳмат» деймиз.

Т. ИБРОҲИМОВ,
инженер-биноор.



ДЎСТЛИК

АЗМ шаҳримиз Тошкент дўстлик шаҳрига айланиб қолди. Бу ерда юз берган табиий офат — эилзилдан сўнг кўплаб турар-йойлар наф кўтарди. Булар мамлакатимиздаги қардош халқларнинг ўзбек халқига қўрсатган дўстона ердамин бўлди. Бу ишда рус биноорларининг ҳам хизматлари катта. Уларнинг қўли билан қурилган салобатли уйлар ва кварталлар шаҳримиз хусинга ҳуси қўшиб турибди. Суратларда: (напдан) «Марказ-4» ва «Марказ-5» кварталлида наф кўтарган уйлар. (Унда) Москвалик биноорлардан бир группаси.



УЙЛАРИ

ОҒАСИСАН, УЛУҒ РУС, МИННАТДОРЛИК ТУЛУҒ, РУС

ДИЛ-ДИЛГА ПАЙВАНД

И. МУМИНОВ,
Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг
вице-президенти, академик,
М. ХОМУДХОНОВ,
академик.

Ўзбек халқи илгор рус интимий таваққулининг бевосита таъсири остида ўз ҳақ-ҳуқуқини таниди, олға йитилди. Улуғ Октябрь социалистик революциясидан сўнг ўзбек халқи ҳам қардош халқлар катори шонли ҳаёт сари олди. Шу кутлуғ Октябрь туғайли Совет Шарқда фан машғали ёқалди. Туркистонда Илмий эиён балқиди.

Ўзбек халқининг ҳозирги фан тараққиётини улуғ Ленин Декретисиз, унинг ғамхўрлигисиз тасаввур қилиб бўлмайди. В. И. Ленин Декрет билан Тошкентда Ўрта Осиё Давлат университети таъсис этилди.

Бутун Россия Марказий Ижроия Комитети Туркистон Комиссияси ва РКП (б) Марказий Комитети Туркистон бюросининг аъзолари М. В. Фрунзе ва В. В. Куйбишевлар университетни ташкил этишда ақти қатнашдилар. Ленин ва унинг содиқ шогирдлари, сафдошлари ҳамда рус олимларининг номаври бу доралфунун тарихига олтин ҳарфлар билан ёзилди. Бу тарих совет халқларининг, айниқса рус ва ўрта Осиё халқлари бўлимас қардошларча дўстлигининг ёрки намунаси. Илгор рус олимлари Ленин йўлнамаси билан она дийримида келдилар. Улар ёш мутахассисларнинг дастлабки устозлари ва мураббийлари бўдилар.

Туркистонда фан машғалининг ёқилишида мамлакатимизнинг энг кекса олий ўқув юрти Москва Давлат университети роли катта бўлди. Биз Ўзбекистонда яшаб, самарали иш қилган М. С. Андреев, А. Л. Бродский, Д. Н. Кашкаров, Л. Н. Корженевский, В. И. Романовский, Р. Р. Шредер, Л. В. Опанин каби йирик рус олимларининг хотирасини миннатдорчилик билан эга оламиз ҳамда ҳозирда барҳаёт кекса олимлар А. В. Благоевский, А. С. Уклонский, И. А. Райкова, А. Н. Асоченский ва бошқа фан аҳлларига чуқур ҳурмат ва миннатдорчилик изҳор этамиз.

Ўрта Осиёда территориал миллий чегараланиш ўтказилгандан кейин республикамиз экономикаси, фани ва маданиятини ривожлантириш суръатларини ошириш учун янада кенг имкониятлар очилди.

1926 йилда гидротехника (ҳозирги В. Д. Жури номидаги) институт, 1929 йилда эса Бутуниттифок пахтачилик илмий-тегириш институти ташкил этилди. Агар эски Туркистонда Р. Р. Шредер, М. М. Бунцов, В. С. Малинин каби рус олимлари ва агрономларининг пахтачиликни ривожлантиришга бағишланган илмий ишлари эътибордан четда қолган бўлса, Октябрь революциясидан кейин ўз қадр-қимматини топи ва юкори малакали миллий кадрларнинг етишиб чиқишида катта роль ўйнади. Рус олимларидан Г. С. Зайцев, Н. Н. Константинов, С. С. Каша, П. А. Баранов, А. И. Автономовларнинг пахта навларини яхшилаш соҳасида олиб борган илмий-тадқиқотлари, майдонга келди. М. Муҳаммаджанов, А. Дадабоев, Н. Маннонов, С. Нудосев каби ўзбек олимлари етишиб чикди.

Ўзбек халқининг фахри бўлган Х. Абдуллаев, Г. Мавлонов, И. Ҳамробоев, О. Аҳромжоев, Х. Боймуҳамедов ва бошқа фан аҳллари етакчи рус олимлари тарафидан камолотга етиб, республикамиз геология фани ютуқларини Иттифок миёсида, қодарсера чет алларда ҳам намоён қилдилар.

Математика, механика, астрономия соҳасидаги фанларни ривожлантиришда ҳам рус ва ўзбек олимларининг иккид хамкорлиги яхши самаралар берди. Атоқли рус олимлари иш-тирокида қатор илмий ишлар бажарилиди.

Биз бу ерда Ўзбекистонда олиб борилаётган илмий-тадқиқот ишларининг ривожланишида рус олимлари бераётган бегарат ёрдамнинг айримлари ҳақида тўхталиб ўтидик. Республикамизда фан тараққиётининг бошқа соҳаларида ҳам рус ва бошқа қардош халқларнинг кўрсатаётган қумаклари каттадир. Ўзбекистон олимлари социалистик Ватанимизнинг илм-фан аҳллари билан хамкорлигини бундан буён ҳам кучайтирадилар, ўз билим ва тажрибаларини коммунизм ишига сарф қилдилар.

ОЧИЛДИ, ЯШНАДИ

ЭЛАТЛАР, ЭЛЛАР,

ШОНЛИ ИШ ЙУЛИДА

БОҒЛАНДИ БЕЛЛАР.

УЛУҒ РУС ОҒАДАН

МИННАТДОР БАРИ!

ПАРТИЯ КЎРСАТГАН

ИСТИҚБОЛ САРИ.

ДАДИЛ ҚАДАМ ТАШЛАР

— БИР ЖОНУ БИР ТАН,

БИРИНИНГ ВАТАНИ

БАРИГА ВАТАН.

УЙҒУН.

ҚУДРАТЛИ КУЧ

Улуғ рус ёзувчиси Салтиков-Шчедрин ўз асарларидан бирида: «Статистика ва рақаларида аҳолиси шунча, масчидлари шунча, ўқув юртлари, бошқа муассасалари йў ва ҳоказо деб ёзилган шахарга келиб қолгундек бўлсангиз, ўзингизни Тошкентнинг қоқ ўртасида турибман деб ҳис қилаверинг», деб ёзган эди. Тошкентимиз Улуғ Октябрь революциясидан илгари шундай эди.

Ҳозирда-чи! Эндилкида, у социализмнинг Шарқдаги машғалига айланган.

Аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизматини айтмайсизми! Бир вақтлар ўлка бўйлаб дайиди юрган чечак, вабо каби офатлардан асар ҳам қолмади. Медицина фанимиз тез суръатлар билан ривожланди, тажрибали шифокорларнинг катта отряди етишиб чикди.

Шуни мамнуният билан айтаоламизки, бунда Коммунистик партиянинг катта тарҳа ғамхўрлиги катта бўлди. Рус ме-

К. ЗУФАРОВ,
Тошкент Давлат медицина
институтининг ректори, академик.

дик олимлари олиғ ҳиммат кўрсатдилар.

Улуғ доҳимиз В. И. Ленин йўлнамаси билан Туркистонга келган рус зиёкорлари орасида П. П. Ситковский, Е. М. Шляхтин, И. Л. Рождественский, В. В. Василевский, И. И. Маркелов ва бошқа атоқли мешик олимлар ҳам бор эдилар. Туркистон Давлат университетининг медицина факультетини ташкил этишда П. Ф. Слоним, А. Д. Греков сингари рус олимлари ҳам фаол иштирок этидилар. Моҳир хирург профессор П. П. Ситковский медицина факультетининг биринчи декани бўлган эди.

Йиллар ўтди. Ўзбек халқи орасидан қўлла мешик олимлар етишиб чикди. Улар истеъодли рус олимлари устоз-

лигида ва ҳамкорлигида медицина фанининг қатор муаммоларини муваффақият-ли ҳал қилдилар. А. Алексеев, П. Самсонов, В. Петров, Т. Нажмиддиновларнинг безган, вабо каби оғир касалликларни тутатиш устида олиб борган тадқиқотлари яхши самаралар берди.

Атоқли шифокорлар М. Слоним билан А. Асқаровларнинг иккид хамкорлиги фан хазинасига дурдоналар бўлиб қўшилди. Житгар касалликлари патологиясини тадқиқ этиш борасида қатор ишлар қилинди.

Тошкент Давлат медицина институтини профессор-ўқитувчилар коллективини ташкил этишда рус профессорлари бўлган ўзбек мешик олимлари илмий раҳбарлиги қилиб, иззат-ҳурмат ҳозирмоқдалар. Аҳлилик, дўстлик ва хамкорлик туғайли ишларини олиб боришти. Ютуғимизга ютуқ қўшилипти.



ОЛМАЛИҚ миш эри-тиш заводига турли миллат вакиллари фаол мешик қилишади. Рус ишчиси Николай Юхманов, ўзбек ишчиси Анвар Япаровлар ҳам ишлаб чиқаришда юкори кўрсаткичларга эришмоқдалар. Улар қайноқ мешик кучида бир-бирлари билан ақиндан дўстлашдилар, катта обрў-эътибор қозондилар. Суратда: Н. Юхманов билан А. Япаровлар.

ҲАМИД ҒУЛОМ.

ЯҚИНЛИК, ҚАРДОШЛИК

Қайсибир халқ, миллат, элат ва-малол ўқимоқдалар. Ўзувчиларимиз эса рус ёзувчилари билан иккид оға-ни бўлиб қолдилар.

Умумий масала, умумий иккид йўли, социалистик реализм ада-бияти деб аталган ягона қўлмил-летли совет адабиётимиз мамла-катимизда юзга яқин тилида иккид қилётган қалам аҳллари билан улуғ-вор муштарак байроқ остига — коммунистик партиявийлик бай-роқи остига бирлаштирди.

Биз шу йил ёзида РСФСРда ўз-бек адабиёти ва санъати декада-сини ўтказдик. Горький, Қозон, Ульяновск ва Москвада ёзувчи-лар билан учрашдик. Бу ёзувчи-ларнинг йўллари эски қадрдонла-римиз. Горькийда яшовчи кеиса рус ёзувчиси, «Кизиллоқлари», «Ли-гитлар» романларининг муаллифи Николай Кокин, Ульяновскда яшовчи рус ёзувчиси Владимир Карпенко, Қозонда яшовчи татар ёзувчилари Шайхи Маннур, Ғоzi Кешшор ва бошқалар билан дий-дорлашар эканмиз, илгариги му-лоқотларимизни, иккид хамкор-ликларимизни эсладик. Айни вақт-да янги дўстлар орттирдик. Рус, татар адабиётинида етук ёш иккид-корлар пайдо бўлган бизни кен-чаллик қувонтирса, ўзбек адабиё-тида қалам тебратётган ёшлар-нинг муваффақияти қардошлари-мизни ҳам шунчалик қувонтирди.

Ульяновскдан йўлга чиқкан де-када поэзия Москвага кириб қел-ганда пойтахтнинг санъат ва ада-биёт аҳллари кизгин кутиб олди-

лар. Модомки, гап фақат ёзу-чилар ҳақида бораётган экан, биз билан суҳбатда бўлган ёзувчилар руҳиятининг ўзинча муҳтарам ўқувчига кўп нарсани айлата-сиз керак. Машҳур рус ёзувчилари Георгий Марков, Леонид Собо-лев, Антонина Коптева, Василий Фёдоров, Константин Воронков, Сергей Михалков, Сергей Серте-вор, Франс Таврин, адабиётшунос олим Виктор Панков, улкан на-шриётларнинг директорлари Нико-лай Лесочевский ва Валерий Ко-солопов...

Ўзбек совет адабиётининг анча-гина асарлари рус тилига таржи-ма қилиниб, нашр этилганлиги ту-ғайли мамлакатимизда ва чет э-ларда миллион-миллион китобхона-ларга бориб етди. Рус тилидан ўнлаб бошқа тилларга таржима қилинган роман, қисса, достон, пьесаларимиз орқали Осиё ва Аф-риқадаги озолиққа эришган, ўз миллий давлатини қураётган халқ-лар совет тузуми билан, социа-листик ҳаёт тажрибаларимиз билан танишмоқдалар.

Ўзбек совет адабиётининг энг яхши асарларини етук рус адиб-лари ва шоирлари таржима қил-ганлиги билан биз халқи равишда фахрланамиз. С. Мершкен, Н. Ти-хонов, К. Симонов, К. Воронков, В. Державин, С. Липкин, Р. Каза-ков, Н. Гребнев, Я. Козловский, С. Северцев, В. Урин ва яна ўн-лаб бошқа рус дўстларимизнинг самарали мешикати ўзбек ёзу-вчилари ҳеч қачон унутмайди.

ЎЗБЕК ШЕЪРИН ЧАРХЛАДИМ РУС
ШЕЪРИНИНГ ЧАРХИГА
РУС ШЕЪРИ ЖАРАНГЛАДИ УЛКАН СОВЕТ
ШАРҚИГА.

ЙУҚ. ХАҒА БУЛГАНИ ЙУҚ,
КУТЛУҒ РУСИЯ ДАҲОСИ.
ЎЗБЕК СОЗИДА ЯНГҒАР РУС ШЕЪРИНИНГ
САДОСИ...
МИРТЕМИ.

ИВАНОВО туқма-чилари билан Тошкент туқмачилари қўдан бери яқинда алоқа боғлаб келадилар. Дўстлик иллари улар-ни бир-бирларига янада маҳкамроқ боғлади. Ишлаб чиқаришда улар бир-бирларига устоз ва шогирддирлар. Су-ратда: ивановолик ту-қмачилар ўзбек туқ-мачилари даврасида.



КУЙЛАРИМИЗ ҲАМОҲАНГ

Т. ФОЗИЛОВ.

Ўзбекистон ССР Мадан-
ят министрлигининг бу-
лим бошлиғи, санъатшунос.

Ўзбек совет санъати социа-листик реализм учун, ҳаётни революцион тараққиётда, кўр-сатиш учун курашининг катта иккид наравинини ўз бошидан нақарди.

Рус классик санъатининг энг яхши анчалари ўзбек совет санъатининг яратилиши ва ривожланишида муҳим аҳа-мият насаб этди. Грибоедов, Пушкин, Островский, Чехов, Горькийларнинг асарлари ва ҳозирги замон совет драматур-гиясининг намуналари профес-сионал ўзбек театрининг юк-салишига зўр таъсир кўрсатди. Ўзбек совет музикаси рус классик санъатининг, Глинка, Чайковский ва Римский-Корса-новлар иккиднинг энг яхши анчаларини ўзига сиқдириб, рус совет музика санъатидан намуна олиб ривожланган бў-са, миллий таъсирини санъат ўз полотнолари учун Релин, Суриков ва Левитан каби рус расмоларининг аниқли бадий ҳуусусларидан ҳам баҳра-мананд бўлди.

Совет ҳониятининг даст-лабги йилларида ўзбек му-зика меросини ўрганиш ма-салада атоқли рус композито-ри В. Успенский раҳбарлигида маориф халқ комиссарлигининг музика-этнография секцияси тузилди. В. Успенский, Н. Ми-ронов ва бошқа санъатшунос-лар турли мавзулардаги қў-шиқларни ноталарга ёзиб олишди.

Ўзбек актёрларидан бир гурупаи Москвада ташкил топган ўзбек драматик студия-сига ўқишга қабул қилинди. Ўз маҳоратларини ошириш учун Москвага борган А. Хи-дратов, С. Эшонтураева, Я. Бо-боков, М. Уйгур, Л. Назрул-лаев, Т. Султонова, З. Хидойто-ва ва бошқалар атоқли рус санъаткорлари О. Басов, Л. Свирдлин, Р. Симонов, И. Мо-лчановлардан таълим олдилар.

Рус ва ўзбек композито-ларининг иккид хамкорлиги-да аниқли музика асарлари пайдо бўлди. «Бўри», «Лайи ва Мажнун», «Тулсара» сингари опералар саҳна юзиди кўрди.

Ҳозир севриш диеримизда қўлгина санъат уюлари мав-нуд. Уларда турли миллат ва-киллари қатори рус маданият арбоблари ҳам фаол мешик қилимоқдалар. Тошкент Давлат консерваторияси, Тошкент те-атр ва рассомини институти, қатор санъат муассасаларида рус педагоглари энг ўзбек санъаткорларига ёшларни қи-лаётган бўлсалар, рус талаба-лари ўзбек композиторлари, ийқалам усталари, актёрла-рининг бой билим ва тажриба-сидан баҳраманддирлар.

Ҳа, шундай. Санъат ҳам биз бири-бирига устоз ва бири-бирига шогирд халқларимиз.

БИРИ БИРИГА УСТОЗ...

Турсунай ОХУНОВА,
Янгиёул районуидаги Киров помли
колхоз участка бошлиғи, Ленин
мушфоти лауреати, республикада
хизмат кўрсатган мешикдор.

Республикамизнинг яқини колхоз-совхозга бори-миш, топиқчи, ағено бошлиғи — мешикзатори учратсан. Улар фарҳанг «ёи» — топиқчилар-миш» дейдилар.

Ҳақиқатан ҳам пахтачиликни, айниқса Янги-терим ишларини комплекс механизациялаштириш-да ва бу ташаббусни бошлаб беришда республи-камизнинг дондор мешикзатори Валентин Афа-насьевич Топкиннинг хизмати, роли катта. Қўн-қўл мешикчи талаб қилаётган Янги-терим ишла-рини машиналар еликсига юкланётганда Ва-лентин Афанасьевич бошлаган иш бир мўъжиза-дек туялган эди.

Мен ҳам ўша медалда техникага икдос қўлиб, шу йўлда астойдил иш олиб бориш учун мура-шаётган эдим. Мана, ҳозир республикамизнинг ҳамма хўжалиқларида пахтанинги кўп иқисмини машиналар билан териб олимоқда.

Шу кунларда далапаризида мешик авжига чиқмоқда. Ленин юбилейи шарафига мусобақага қўшилган топиқчи, турсунайчи ағенолар, мешик-заторлар ишчи яна ҳам жадаллаштиришмоқдалар. Ҳозирги пайтда Топкиннинг ҳам, менинг ҳам шогирдларим кўп.

ОҒА-ИНИЛАРИМИЗ

Б. НЕЧАЕВ.

Бекобод шахар партия комитетининг иккинчи секретари.

Бекободнинг шукрати Иттифодимизга айланган, бекободчилар ўз мешикчиси билан эл хўраатини қозонишган. Санд Нуриддинов, Ҳафиз Ғаниев, Асад Эргашев каби Социалистик Мешик Қахрамонлари, Шерали Ҳамроулов каби СССР Олий Совети депутатлари, қатор илгилчилар яратиб халқ оғзига тушган дондор ишчилар коммунистик мул-қўлчилик яратишда ўзларининг муносиб хиссаларини қўшмоқдалар. Шаҳримиз катта бир оила. Бу ерда 39 мил-лат вакиллари бир ота, бир она фарзанди-дек қўли-қўлга бериб мешик қилимоқда-лар. Уларнинг бири бирига устоз, бири бирига шогирд.

Улуғ Ватан уруши йиллари халқ ҳам адимизда. Ўзбекистон металлургия заводи ўша йиллар қад нўтара бошлаган эди. Дастлабки чехлар норпуси бўй рўстлаган, нуриликда ўзини кўрсатган йигитлардан бир гурупаи Уралга ўқишга юборилди. Ўз-бек йигитлари рус металлургияри кўлида хунар ўрганиб, Бекободга қайтиб келишгач, ўзлари курган заводида ишга туширишди.

Мана энди, ўзбек металлургияри бошқа-ларга устозлик қилишпти. Социалистик Мешик Қахрамони Санд Нуриддинов бош-лиқ бригадада 17 миллат вакили прокат

тажаралапти. Пачи ишчиси украиналик Пётр Найдя қиздириб берган темирга топиқ йигити Сайфулла Ширинков билан татар йи-гити Сайд Гафуровлар қўшимча ишлов бе-ришади. Максим Клименко билан ўзбек йи-гити Ироом Нуманов эса ёнма-ён туриб, ариш тайёр маҳсулотини қўшни линияга узатишади. А. Бегматов, П. Коваленко, Х. Бойкирзаев каби прокатчилар эса буюртма бўйича турли ҳажимдаги тунона ва труба-ларни тайёрлаб, жуқатиш майдончасига ет-казиб берадилар.

Бригададаги йигитларнинг ҳаммаси Санд-дан миннатдор. Чунки уларнинг кўпчилиги ўз бригадирлари кўлида хунар ўрганишган. Дўстлик-инқилиб туғайли норхона-да топиқчилар доимо ортиги қи-лан адо этиб келинлпти. Прокат цехи ко-ллективни яқинда беш йилли мажбуриятини шараф билан адо этди. Мартен цехида ну-нига қўллаб қўшимча металл эритилапти. Шаҳримиздаги цемент комбинати, темир-бетон буюмлари заводи, Фарқод ГЭСи каби норхоналарда мешик қилаётганларнинг ҳам кўпчилиги бир-бирлари билан оға-ни тутинишган. Ҳозирги кунда норхоналарда ўтказилаётган интернационал мешикчи-лар ўртасида туғилган дўстлигини янада мустаҳкамлашга ёрдам берапти.

ТУТАШ ҚАЛЪЛАР

Социалистик Чирчиқ улуғ рус халқи билан ўзбек халқи ўртасидаги интернационал дўстлигининг рамзи сифатида йил сайин қамол топмоқда.

Эсимизда, Чирчиқ воҳасининг энергетика ресурсларини чуқур илмий асосда ўрганиш бўлишига, бу ишга Ленинча ГОЭЛРО комиссиясининг аъзоси академик И. Александров раҳбарлик қилган эди. Дастлабки беш йилликлар бошида Чирчиқ гидроэлектростанцияси қурилишига кўз урилди. Ушунда рус халқи билан ўзбек халқи елкана-елка туриб меҳнат қилди. Кейинчалик бу зарбдор қурилишда ишчилар сифининг бутун бир авлоди етишиб чиқди. Ф. Логинов номидаги Комсомол ГЭСи қурилишида ишт теуручи бўлиб ишлаган Иван Мешанин, Владимир Жуков сингари ўзлаб моҳир бинокорлар Абдул Турсунов, Тошхўлат Эргашев, Малик Саҳадов, Тешабой Рўстов сингари юзлаб ўзбек йигитларига ўз хунарларини ўргатдилар.

1932 йил апрель ойидан бошлаб «Чирчикстрой» умумхалқ зарбдор қурилиш деб эълон қилинди. Чирчиқнинг зарбдор қурилишига комсомол йўлланмаси билан мамлакатимизнинг ҳамма бурчақларидан қурувчилар, комсомол-ешлар кела бошладилар.

1934 йил бошларда Чирчиқ қурувчиларининг сафи В. И. Ленин номидаги «Днепрогэстрой» бўвдорлари билан янада кенгайди. Донгдор бетончи Л. Гловатенко ҳам ўз бригадаси билан бу ерга етиб келди. Бригада аъзолари Юсуфбеков, Уринов, Бекхадаров сингари ўзбек, тожик, қozoқ йигитларини ўз ёнларига олдилар.

160-қурилиш трестига қарашли «Чирчикстрой» бошқармасининг экскаватор-машинисти, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Табарак Турдалиев ўттиз етти йилдан бери Чирчиқ қурилишларида меҳнат қилмоқда. Табарак ака ўзини 1932 йилининг баҳорда биринчи бор экскаватор кабинасига ўтказиб машинани бошқаришни ўргатган устоз Андрей Биковдан халқ-халқи мингдор. Йиллар ўтши билан Табарак ака ҳам ўзлаб шоғирлар орттирди. Владимир Самсонов, Насилий Рагачев, А. Нишоновлар энди ўз устозлари Табарак Турдалиевдан мингдорлар.

Шаҳарнинг энг йирик корхонаси-электростанция комбинати дўстлик каф-тида қувватга тўлди. Комбинат учун маҳаллий халқ вакилларидан мутахассис кадрлар тайёрлашда руслар кўп жон койитишди. Комбинат директори Воҳид Қодиров, 31-цех бошлиғи Қоңил Эшонов ўроқлар 30-йилларда Иваново шаҳридаги химия-технология институтда таҳсил қўрган биринчи ўзбек кимёгарларидир. 1940 йилдан бери комбинатда меҳнат қилаётган ҳаво парчалаш цехининг бошлиғи Петр Антонович Можара, комбинат бош энергетиги Евгений Петрович Калинин, электроремонт цехининг мастери Василий Биков ўроқларнинг ўзбек кимёгарларини тарбиялаб юнга етказишдаги хизматларини биз қадрлай-миз.

Эндилликда Чирчиқ чинакамга интернационал дўстлик шаҳрига айланди. Шаҳримиз саноат корхоналарида 40 дан ортиқ миллат вакиллари бир оила фарзандларидек қўли-қўлга бериб иш-

ламоқдалар. Шаҳар партия комитети, бошланғич партия ташкилотлари КИСС XXIII съезди қарорларини оғинмай амалга ошира бориб меҳнаткашларни интернационализм, халқлар дўстлиги ва оташин ватанпарварлик руҳида тарбиялашда қатор тadbирларни амалга ошироқдалар.

Кимёгарлар, металлургия, машина-созлар Маданият саройларида, қурувчилар, пойафзалчилар клубларида, маданият ва истироҳат боғларида интернационал дўстлик кечалари бўлиб ўтмоқда. Бу кечаларда Социалистик Меҳнат Қаҳрамонлари: электрохимия комбинати-нинг цех бошлиғи Омон Илёсов, экскаватор машинисти Табарак Турдалиев, Улуғ Ватан уруши ветеранлари, запаса-даги полковниклар К. Гудрин, П. Киборо-в, Чирчиқнинг ветеран комсомолларидан И. Гуладов, ўроқлар ёшларга ле-нишча миллий сивистининг таянчаси ҳа-қида, СССР халқлари ўртасидаги интер-национал дўстлик ҳақида сўзлаб бер-моқдалар.

Кимёгарлар маданият саройи, шаҳар пионерлар саройида, қатор мактабларда ташкил этилган интернационал дўстлик хоналарининг ишлари ҳам диққатга со-зовдорлар. Шаҳар пионерлар саройида ташкил этилган интернационал дўстлик хонаси Болгариянинг Хасково округида-ги Димитровград шаҳар пионерлар са-ройи билан дўстлик алоқалари ўрнатган. Улар ўзаро хатлар ёзишиб, совга-саломлар айирбошлаб туряшди.

Шаҳар партия комитети меҳнаткаш-ларни интернационализм руҳида тарбия-лашга ҳозир ҳам алоҳида эътибор бер-моқда. Шаҳримизда В. И. Ленин туғил-ган кунининг 100 йиллигига тайёргарлик қўриш борасида қорғина ва муассаса-ларда «Ленинча жуналиқлар» ўтказиш о-дат тусига кириб қолди. Ленинча жу-налиқларнинг бири «В. И. Ленин про-летар интернационализи ва халқлар дўстлиги ҳақида» деган темага бағи-ланди. Ушунга кўра шаҳар партия ком-итетининг секретарлари, шаҳар ижроия комитетининг, саноат корхоналарининг раҳбарлари меҳнаткашлар ўртасида «Социалистик интернационализм ва халқлар дўстлиги» деган темада лек-ция ҳамда докладлар ўқидилар.


Чирчиқ шаҳар партия ташкилоти до-ҳий асос солган интернационал дўстлик-ни янада мустаҳкамлаш, ёшларни про-летар интернационализи ва оташин ва-танпарварлик руҳида тарбиялаш йўлида идеология ишнинг барча формаларидан кенг фойдаланаверида.

М. МИРАЗИМОВ,

Чирчиқ шаҳар партия комитети пропаганда ва агитация бўлими му-дир.

«Рус тили амалда СССР даги барча халқларнинг миллатлараро алоқа ва ҳамкорлик қилишида уму-мий тил бўлиб қолди» (КИСС Программасида).

БАХТИМИЗ УЧУН КУРАШГАНЛАР



Суратда: Тошкентда туркистонлик 14 комиссар хотирасига ўрнатилган ёдгорлик.



ТОШКЕНТ медицина техникумида таълим олаётган бўлажак шифокорлар устозлар меҳрига қониқма-лар. Рус ўқитувчилари ўзбек гуруҳларида ҳам машғулотлар олиб боришди. Суратда ака шундай машғулотлар-дан бирини кўриб турибсиз.

ИЛЫЧ ЁРҚАН ЧИРОК

1920 йилнинг бошларида доҳий-миз В. И. Ленин мутахассислар-нинг катта гуруҳисига Россияни электрлаштиришнинг илмий жи-ҳатдан пухта планини тузиб чи-қишни топширди. ГОЭЛРО плани-га асосан қисқа муддат ичиде қу-ватга 1,5 миллион киловатт бўлган 30 та йирик электростанция қу-рилиш зарур эди.

Партияимизнинг 1920 йил бўлиб ўтган IX съездида В. И. Ленин то-монидан қилинган ҳисобот докла-тида ҳам бу ҳақда ўқидириб ўтил-ди. Съезднинг «Хўжалик қурили-шининг навбатдаги вазифалари ҳақида» чиқарган резолюциясида мамлакатини иқтисодий жиҳатдан тиклашнинг асосий шарти эгона хўжалик планини оғинмай амалга оширишдан иборат эканлиги, мам-лакатини электрлаштириш эса бу план учун асос қилиб олинмиш таъкидланди.

Республикамизда ҳам коллек-тивлаштириш, индустриаллашти-риш, саноат турларини ривож-лантириш, экономикани юксалти-риш билан бир қаторда кун тар-тибда энг муҳим масала — электрлаштириш масаласи турар-ди. Барча соҳада бўлган каби бу ишда ҳам рус дўстларининг катта ёрдам беришди. Ўзбек халқи улуғ рус халқи билан ҳамкорликда ўзи-нинг электрэнергия манбаларини қура бошладилар.

Ўзбекистонга биринчилар каторида келган рус дўстларимиздан бири марҳум профессор Георгий Федорович Грушин эди. У 20-йилларда ТашГРЭСтрамнинг бош инженири бўлиб ишлади. Кейинчи-лик Тошкент политехника инсти-тутда дарс бериб, юзлаб шо-ғирлар етиштирди.

Михаил Иванович Жеренцов ҳам Ўзбекистонга биринчилар қд-

ториде келган, электростанциялар қуришда жонбозлик кўрсатиб иш-лаган ақоиб мутахассис эди. М. Жеренцов Москвадаги олий тех-ника билим юртини тугатиб, бу-тун куч-қувватини Ўзбекистонда электрлаштириш ривожланти-ришга бағишлади. У ўзоқ вақт «Ўзбекэнерго» бошқармасининг бошлиғи бўлиб ишлади. Унга «Ўз-беккистонда хизмат кўрсатган тех-ника арбоби» фахрий унвони бе-рилди.

Биринчилар қатори республика-мизга келганлардан яна бири Александр Сергеевич Вавилов-дир. У ҳозир «Ўзбекгидроэнерго-строй» бошқармасининг бош ин-женери бўлиб ишламоқда. В. Н. Успенский, А. В. Биков, В. С. Кремов, П. Г. Устименко, И. П. Франский, пенсционерлардан Ф. Н. Мелников, Д. В. Иванов ва бош-калар улканни электрлаштириш ишига ўзларининг баракани ҳис-саларини қўшдилар.

Дастлабки пайтларда оз қувват-га эга бўлган электростанциялар халқимизнинг эҳтиёжларига тўла жавоб бера олмаган бўлса, ҳо-зирда минг-минглаб хонадонлар Илчи нуруларидан баҳраманд бў-лмоқда. Илчи завод-фабрикаларни қувват билан тўла таъминлаётган хонадонларимизга фанз киритаёт-ган, кўчаларимизни нуруга тўли-раётган бу энг ҳозирда ўзбек халқи билан рус халқи ўртасидаги дўстлигини нуруга бурқиб турибди.

Халқимиз улуғ рус халқининг оғаларча ғамхўрлигини, дўстона ёрдамини ҳеч вақт унутмайди. Улар орасидаги дўстлик ҳаммаша нур каби порлайверади.

Х. ҚОДИРОВ,

Ўзбекистон ССР Энергетика ва электрлаштириш министри-нинг ўринбосари.



Ўзбек дўпписи рус қизига қап-дай ярашади-и! А. Абалия, В. Сироткин ва И. Глауберзон фотолари.

Редактор А. ИСМОИЛОВ.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриятининг босмаҳомаси. Тошкент шаҳри.

ОБЛАСТЬ КОЛХОЗ ВА СОВХОЗЛАРИДА ПАХТА ТАЙЁРЛАШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА 1 НОЯБРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

(Планга нисбатан процент ҳисобида)

КОЛХОЗЛАР

Хўжаликларнинг номи	Маъсум бошдан бери	Машина терими	Қайси райондан
1. «Заря коммунизма»	118,90	139,32	Оққўрғон
2. «Победа»	113,10	158,40	Оққўрғон
3. Ленин номи	109,10	128,77	Оққўрғон
4. «Ленинград»	107,81	174,63	Оққўрғон
5. «Москва»	106,23	114,63	Оққўрғон
6. Киров номи	104,89	128,40	Оққўрғон
7. Хамза номи	104,25	114,44	Оққўрғон
8. Энгельс номи	95,74	117,11	Оққўрғон
9. Охунбобоев номи	92,97	94,74	Ўрта Чирчиқ
10. Терешкова номи	92,37	91,34	Ўрта Чирчиқ
11. Илданов номи	91,08	65,71	Янгийўл
12. Димитров номи	90,15	115,71	Оққўрғон
13. Навоий номи	88,60	80,81	Оққўрғон
14. «Озо»	87,75	87,50	Оққўрғон
15. «Интернационал»	86,66	62,55	Янгийўл
16. «Партия XXI съезди»	86,40	80,70	Ўрта Чирчиқ
17. «Партия XXI съезди»	86,03	18,83	Янгийўл
18. Свердлов номи	85,66	118,31	Оққўрғон
19. «Коммунизм»	85,42	61,40	Оққўрғон
20. «Коммунизм»	85,28	83,80	Янгийўл
21. Калинин номи	84,66	99,83	Оққўрғон
22. Навоий номи	84,13	41,44	Янгийўл
23. «Гулистон»	83,56	99,25	Оққўрғон
24. «Ғизил Октябрь»	83,49	62,40	Янгийўл
25. «Ленинград»	83,11	15,78	Янгийўл
26. Энгельс номи	82,83	28,29	Янгийўл
27. «Ленинград»	81,73	78,69	Оққўрғон
28. С. Раҳимов номи	81,29	39,60	Янгийўл
29. Калинин номи	80,69	24,30	Янгийўл
30. «Ленинский путь»	80,68	100,20	Юқори Чирчиқ
31. Свердлов номи	80,68	14,00	Янгийўл
32. Фрунзе номи	78,08	49,78	Янгийўл
33. «Ленинизм»	77,38	86,20	Оққўрғон
34. «Ленинизм»	77,37	54,84	Янгийўл
35. Жамбул номи	76,96	57,31	Бўка
36. К. Маркс номи	76,42	47,83	Оққўрғон
37. Охунбобоев номи	75,37	58,70	Оққўрғон
38. Киров номи	75,18	49,45	Янгийўл
39. «Октябрь 40 йиллиги»	75,08	54,43	Янгийўл
40. «Партия XXII съезди»	74,86	46,57	Оққўрғон
41. «Коммунизм»	73,00	18,17	Бекобод
42. К. Маркс номи	72,36	37,13	Янгийўл
43. «Гулистон»	71,85	29,00	Бўка
44. К. Маркс	71,59	54,88	Ўрта Чирчиқ
45. Куйбишев номи	70,57	42,77	Ўрта Чирчиқ
46. Охунбобоев номи	70,19	50,72	Янгийўл
47. «Полярная звезда»	69,50	51,05	Ўрта Чирчиқ
48. Ленин номи	69,18	33,96	Янгийўл
49. Х. Олимжон номи	69,16	51,58	Оққўрғон
50. Нисёнов номи	68,73	34,50	Янгийўл
51. «Москва»	68,11	30,22	Янгийўл
52. «Правда»	64,46	82,00	Юқори Чирчиқ
53. Вотинов номи	63,54	55,82	Оққўрғон
54. Турсунқулов номи	63,48	6,93	Янгийўл
55. «Победа»	63,26	38,00	Бекобод

56. «Северный маяк»	62,91	58,88	Ўрта Чирчиқ
57. «Политотдел»	62,83	60,27	Юқори Чирчиқ
58. Калинин номи	62,50	49,91	Ўрта Чирчиқ
59. Нуров номи	62,38	41,27	Ўрта Чирчиқ
60. Фрунзе номи	61,78	38,45	Бўка
61. «Ғизил Ўзбекистон»	61,63		Оржоникидзе
62. Тельман номи	60,73	24,31	Бўка
63. Калинин номи	60,62	28,09	Бўка
64. К. Маркс номи	59,17	54,00	Юқори Чирчиқ
65. «УзССР 30 йиллиги»	57,64	20,07	Янгийўл
66. Куйбишев номи	57,63	32,27	Оққўрғон
67. «Ленинград»	56,44	31,81	Бўка
68. Охунбобоев номи	55,77	30,68	Бўка
69. Ленин номи	53,60	20,78	Бекобод
70. Навоий номи	52,46	9,18	Бекобод
71. «Ўзбекистон»	51,82	42,50	Юқори Чирчиқ
72. Мичурин номи	51,81	33,46	Бўка
73. Энгельс номи	51,60	28,86	Ўрта Чирчиқ
74. Ленин номи	51,25	19,50	Бўка
75. «Октябрь 40 йиллиги»	50,04	49,40	Бўка
76. «Ленин йўли»	49,90	27,00	Ўрта Чирчиқ
77. Ильич номи	49,90	31,00	Бўка
78. Дзержинский номи	48,47	31,28	Бекобод
79. Свердлов номи	47,71	18,05	Ўрта Чирчиқ
80. Тимирязев номи	47,14	38,05	Бўка
81. Свердлов номи	45,45	39,21	Юқори Чирчиқ
82. «Ленин йўли»	42,60	23,29	Бўка
83. «Коммунизм»	41,74	30,38	Бўка
84. Ленин номи	41,72	13,66	Ўрта Чирчиқ
85. К. Маркс номи	41,35	31,69	Бўка
86. «Партия XX съезди»	40,98	16,89	Бўка
87. Хамза номи	40,80	20,81	Бўка
88. «Коммунизм»	40,43	6,83	Ўрта Чирчиқ
89. Свердлов номи	39,13	10,13	Бўка
90. «Ленинизм»	38,86	20,45	Бўка
91. «Партия XIX съезди»	38,36	18,39	Бўка

СОВХОЗЛАР

1. «Ленинград»	138,17	263,00	Бекобод
2. «Коммунизм»	98,21	132,00	Оққўрғон
3. «УзССР беш йиллиги»	89,50	95,19	Оққўрғон
4. Ойбек номи	63,90	34,28	Бекобод
5. «Оққўрғон»	60,81	39,94	Оққўрғон
6. 1-«Пискент»	59,04	42,81	Бўка
7. Киров номи ўқув-хўжалиги	57,42	29,12	Ўрта Чирчиқ
8. 2-«Пискент»	50,91	33,04	Бўка
9. Сегизбоев номи	49,52	33,12	Оққўрғон
10. «Бўка»	49,10	30,40	Бўка
11. 3-«Далварзин»	49,03	17,93	Бекобод
12. 1-«Далварзин»	46,72	24,29	Бекобод
13. «Кукорол»	43,48	28,71	Бўка
14. 2-«Далварзин»	37,77	11,50	Бекобод

ШОЛИ ДАВЛАТГА

ОБЛАСТИМИЗ КОЛХОЗ ВА СОВХОЗЛАРИДА ДАВЛАТГА ШОЛИ СОТИШ ПЛАНИНИНГ БАЖАРИЛИШИ ТЎҒРИСИДА 3 НОЯБРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

(Планга нисбатан процент ҳисобида)

Областимиз шолкорлари 3 ноябргача давлатга шоли сотиш йиллик планини 14,2 процент бажардилар. Шу жумладан, Оржоникидзе райони — 50,7 процент, Калинин райони — 23,9, Янгийўл райони — 23,7, Бекобод райони — 23,2, Оққўрғон райони — 11,5, Бўка райони — 9,5, Ўрта Чирчиқ райони — 8,4, Юқори Чирчиқ райони — 6,8, Бўстонлиқ райони — 0,6 процент миқдорида давлат хирмонига шоли тўкншган.